

# ҚАДИМГИ ДАВР ОДАМЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА

## УЛАРНИНГ ИЗЛАРИ

**Ф.Мардонова, Г.Халиқова (СамДАҚИ)**

Сўнгги даврлардаги дунё илм-фани маълумотига кўра қадимги давр одамларининг изи археологик қазилма (изланиш)лар натижасида топилди. Чунончи, илк одамлар изи Жанубий Африкадан Австралопитек (4-5 миллион йил аввал яшаган одам қолдиғи), айниқса, Шарқий Африкадаги Зинж водийсидаги Олдувай дарасида Америка олимларининг олиб борган археологик изланишлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳудуддан топилган археологик топилманинг геологик қатлами тахминан 1,5-2 миллион йилга тенг деб қаралди ва фанда Зинжантроп ёки тахминан мил авв. 3-2 миллион йил олдин яшаган Олдувай одами деб номланди. Шу каби Индонезиянинг Ява оролидан топилган Питеккантроп деб номланган одам авлоди олдувойдан кейин пайдо бўлган бўлиб, мил. 1 миллион йил илгари яшаган. Хитой ҳудудидан Синантроп ва Фарғона водийсидаги Селунғур манзилидан Фергантроп, Германиядан Неандертал ва Франциядаги Кроманён ғоридан топилган ҳозирги қиёфадаги одам-Кроманён одами излари (қолдиқлари) топилган. Синантропга замондош бўлган одам излари Марказий Осиёнинг бир қанча ҳудудларидан аниқланган.

Ватанимиз ҳудудидан, чунончи, Фарғона водисидан топилган илк аждодларимиз Фергантроп одами Ашель даврининг илк босқичига хос бўлиб, унинг (суяк қолдиқларининг) ёши тахминан бир миллион йилга тенг деб қаралган. Бу каби археологик топилмалар Фарғонадангина эмас, бошқа ҳудудлардан ҳам топилган. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинидаги Кўлбулоқ, Сурхондарёнинг Бойсун туманидаги манзил-гоҳларидан аниқланган топилмалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, Сурхондарёнинг Бойсун тумани-даги Тешиктош манзилгоҳи топилдиқлари алоҳида хусусият касб этади. Бу манзилгоҳдан тош даврига хос турли ҳайвон суяклари ва меҳнат қуроллари билан бирликда антиқа инсон қабри топилган. Унда тош даври одамига хос суяк-сикилетлари мавжуд бўлиб, 8-9 яшарли

бола чалқанчасига ётқизилган ва жасаднинг атрофи архар типдаги ҳайвон шохлари билан қадаб ўралган. Бу ҳолат жасад ўша давр урф-одати, удум-этиқоди асосида дафн этилишидан ҳам дарак беради ва илк даврлардаги диний этиқотни эслатади. Ушбу топилдиқлар илк ёки қадимги тош-палеолит даврининг охири, аниқроғи Мустье асри (Ўрта-тош даври)нинг бошларига тегишли деб хулосаланади. Таъкидлаш лозимки, неандертал даври одамларининг излари Марказий Осиёнинг 50 дан ортиқ ҳудудларидан топилган. Жумладан, Ўзбекистонниг Сурхон-дарё, айниқса, Самарқанддаги Омонқўтан, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Хўжамазгил манзилгоҳлардан, Тошкент вилояти-даги Обираҳмат, Хўжакент, Палтов, Кўкбулоқ ҳамда Навоий (Учтут), Хоразм (Жонбосқалъа), Бухоро (Қоратоғ), шунингдек, Зарафшон, Қашқадарё воҳалари-дан ва бошқа ҳудудлардан ҳам неолит даврига ҳос одам излари топилган. Умуман, қадимги давр одамлари Ватанимиз ҳудудларида ҳам яшашган. Қадимги ибтидоий одамлар илм-фанда Олдувай (Зинжантроп), Питек-кантроп, Синантроп, Фергантроп, Неандертал, Кроманён одамлари номи билан аталди.

Хуллас, Ўзбекистон кишилиқ жамияти тарихининг энг қадимги инсонлар масканларидан бири бўлган. Бу ерда маҳаллий аҳоли бир неча юз мингйилиқлар давомида яшаб яшаб келиган. Мил авв. VI-V асрларда Кичик Осиё шаҳарларида яшаб ўтган юнонлар ўз асарларида юртимиз аҳолисининг таркиби (уруғ ва қабилалари), уларнинг яшаш тарзи, вилоятлари, географик ўрни, табиий шароити, иқлими ва бошқа маълумотларни холисона келтирганлар. Демак, юртимизнинг қадимги тарихи мавжуд. У милоддан олдинги даврлар билан ўлчанади.

#### Адабиётлар:

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
2. Каримов Ш., Шамситдинов Р. Ватан тарихи (Биринчи китоб). -Т.: Ўқитувчи, 1997.
3. Бичурин Н.Я. Собрание свидений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, 1, 3 т. -М.-Л. 1950, 1953.
4. История Узбекистана в источниках (составитель Лунин Б.В.). -Т.: 1984.
5. Сагдуллаев А., Костетский В. Тарих. -Тошкент.: 2006. ,
6. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. -Тошкент.: Ўқитувчи, 1992, 15-б.